

## Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг каломлари



19:16 / 01.12.2017 4260

*2687. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам гапни сизларга ўхшаб шошилиб гапирмас эдилар».**

*Икки шайх ва Термизий ривоят қилганлар.*

*Термизий:*

**«Лекин у зот гапни бўлиб-бўлиб гапирар эдилар. Олдларида ўтирган одам ёдлаб олар эди»**ни зиёда қилган.

2688. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам гапни шундай гапирар эдиларки, агар сановчи санаса, батаҳқиқ санай оларди».**

*Бухорий ва Абу Довуд ривоят қилганлар.*

2689. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг каломлари дона-дона эди. Уни эшитган ҳар бир киши фаҳмлар эди».**

2690. Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг каломларида дона-доналик ва шошилмаслик бор эди».**

*Абу Довуд «Адаб»да ривоят қилган.*

2691. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тушунарли бўлиши учун сўзни уч марта такрорлар эдилар».**

*Термизий, Бухорий ва Аҳмад ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Албатта, бундай такрорлаш зарур бўлганида ва аҳамиятли нарсаларда бўлган.

**Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф**

*(Ҳадис ва ҳаёт китобидан)*